

YOSHLAR OVOZI

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрель куни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва гаалгаи энг муҳим вазифаларга бағишланган йилгилиш ўтказилди.

Илгари тадбиркорликни йўлга қўймоқчи, бирор фирма ёки корхона очмоқчи бўлган одам ҳужжат тўғрисида жараёнида сарсон-саргардон бўларди. Нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан олдидан бир маълумотнома олиш учун ҳам баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келарди.

Бугун ҳам қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги давлат хизматлари кўрсатишда муайян қийинчиликлар туғдиришмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада экани ва қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолгани асоссиз миллиярий харажатларга, фуқароларнинг ортиқча кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига, бу эса, оқибатда баъзан коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда.

Мамакат тараққийнинг замонавий босқичида инсон манфаатлари бош мезон сифатида белгилангани ҳамда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат

идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган улғувор ғоя илгари сурилгани давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. 2018 йил 1 январдан "Ягона дарча" марказлари Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Бугунги кунда мазкур марказлар томонидан болаларни мактабга таълим муассасаларига қабул қилиш буйича ариза бериш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимини ҳисобга қўйиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, лойиҳа таъминоти келишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, яқка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш каби хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари турини янада кўпайтириш буйича кўрсатмалар берилди.

Давлат хизматларининг ҳар

бир тури "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойилига кўра, ваколатли давлат органлари, ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштирилади.

Албатта, одамларнинг мушуқлини осон қиладиган, замонавий технологияларга асосланган бу тизим халқимизга катта қўлайлик яратмоқда. Лекин ҳали жойларда айрим камчиликлар борлиги тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишда қийинчилик туғдиришмоқда.

Масалан, айрим ваколатли органларда давлат хизмати кўрсатиш буйича электрон ахборот тизими тўлиқ жорий этилмаган, идораларо электрон ахборот алмасуви йўлга қўйилмаган. Айрим Давлат хизматлари марказлари оптик талаи интернет тармоғига уланмаган.

Йилгилишда бу муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идораларга 50 та давлат хизматлари буйича электрон ахборот тизими ва электрон маълумотлар базасини яратиш, барча давлат хизматлари марказларини оптик талаи интернетга улаш буйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, барча марказларда электрон навбат

тизимини ишга тушириш, уяли телефонлар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имконини берадиган дастурлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат хизматлари марказлари биносининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва давлат-хусусий шериклик асосида замонавий қилиб қуриш, бу борада инвесторларга имтиёзлар бериш вазифаси қўйилди.

Маълумки, тадбиркорликка доир 35 турдаги лицензия ва рухсатномалар ҳукумат томонидан берилди. Бундай ўта марказлаштиш тадбиркорлик ривожига тўсиқлик қилади. Шу боис, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурига мувофиқ, лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини кескин қисқартириш ва соддалаштириш буйича аниқ вазифалар белгила берилди.

Кадастр ва қурилиш соҳаларида давлат хизматлари кўрсатиш қоникорсиз аҳолида экани жиддий танқид қилинди. "Ергодездадастр" қўмитасига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда кўчмас мулк объектиларнинг кадастр ҳужжатларини электрон тартибда юритиш, кадастр гувоҳномаларини қоғозда эмас, балки электрон реестрдан қўчирма

шаклида бериш амалиётини жорий этиш вазифаси топширилди. Шунингдек, барча рухсатнома ва лицензияларни электрон тизим орқали тақдим этиш имконини берадиган "Лицензия" ахборот комплексини жорий йил май ойига қадар тўлиқ ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Йилгилишда таъкидланганидек, 2021 йилгача 5 миллиондан зиёд ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги сига алмаштириш зарур. Бироқ бу буйича ҳар бир вилоятда 3-4 та, мамлакатимизда жами 49 та тузилма бор, холос. Эндиликда ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириб бериш ҳам Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Бунинг учун ушбу марказларга йўл ҳаракати хавфсизлиги вакили бириктирилди.

Сайёр қабулларда бидарилган тақдирларни инобатга олиб, Адлия вазирлигига Тошкент давлат юридик университетининг бакалавр босқичига ҳужжатларни жойлардаги давлат хизматлари марказлари орқали топширишни тажриба тарикасида жорий қилиш буйича кўрсатмалар берилди. Йилгилишда соҳага масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Давлат хизматлари кўрсатиш тизimini такомиллаштириш буйича муҳим вазифалар белгила берилди.

ЎЗА

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ХАЛҚ УЙФОҚ. МУТАСАДДИЛАР-ЧИ?



Ўзбекистон аҳолиси 32 миллиондан зиёд. Бу она заминимизда юз минглаб оилалар яшайди дегани. Жамиятнинг атиги битта хужайраси тўқис ҳаёт кечириши учун қанчадан-қанча куч ва меҳнат талаб қилинишини тасаввур қилиб кўринг-а. Гарданидаги муаммою ташвишларини айтмай-қизмай. Бироқ юк ўзиники-ку, аравасини эплаб тортин-да, дея одамлар тақдирига бефарқ қарашга биронта ҳам раҳбарнинг ҳаққи йўқ. Буни улاردан шахсан Президент талаб қияпти!

Юртбошимиз ҳақ, халқни рози қилмай туриб, тараққийт ҳақида ўйлаш бефойда. Шу сабаб бугунги кунда барча ҳудудлар — маҳалла-қўй ва хонадонлардаги ижтимоий-маънавий муҳит обдон

ўрганилпти, муаммоларни газак олдирмай, жойида ҳал қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш йўлидан борилмоқда. Фақат энди мазкур саъй-ҳаракатлар қоғозда қолиб кетаётгани йўқ.

Одамларни йиллар давомида қиянаб келатган масалалар қанчалик бартараф этилаётганини кўриш ва баҳолаш мақсадида Республика ишчи гуруҳи аъзолари ҳафта аввалида Андижон вилоятига йўл олди. Ўн икки кичик гуруҳга бўлинган вакиллар Бўз ва Улғунор туманларидаги жами 34 та маҳаллани ўрганди. Шу уринда асосий эътибор ёшлар муаммолари, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилганини ҳам

айтиб ўтсак. Яна бир жиҳат: иккала туманда ёшлар масалалари буйича маслаҳатчиси йўқ биронтаям маҳаллани учратмадик. Ҳа, ҳудуд мутасаддилари ёшларга оид давлат сиёсати ижросига жиддий киришганга ўхшайди.

Бўзда ҳам, Улғунорда ҳам аҳоли, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш ҳамон энг оғир масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳарқалай, танганинг икки томони мавжуд. Аввало, иш ўринлари етарли эмас. Қолаверса, орамизда ўта танбал ва боқиманда инсонлар ҳам борлигини тан олайлик-да. Ана шу имлатлардан қутулосаккина, олдига силжийимиз. Бўлмаса, аҳвол чатақ!

(Давоми 2-саҳифада)

MUNOSABAT

ЭЗГУЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ!

Адабиётнинг мудиаси шу — кишилар оғирини енгил қилиш, одамлар кўксига тошдай осилиб турган ғуссадни олиб ташлай билиш, инсонга умид бериш, қувонч ҳая қилиш. Ўз ижодида бу нарсага эриша олган адиб бахтлидир! У қандай сиёсий қарашлар ҳоким бўлган даврда яшагани муҳим эмас. Муҳими, ўз ижодини, адабий ниятини, тақдир буорган улғув вазифани бажариб, халқ қалбидан ўз ўрнини эғаллай олганида.

Буюк сўз устаси Чингиз Айтматов болалигимизнинг ҳамроҳи, ўсмирлигимизнинг иннок жүраси, йилгилигимизнинг оташин дўсти, ўрта ёшимизнинг босиқ ҳамқадами, кексагилимизнинг содиқ ҳамрози! Айтматов

номини билмаган кирғиз борми, йўқми, билмадим, аммо бу номни танимаган ўзбек йўқ. У шу қадар "бизники"ки, унинг Гулсариси бизнинг Бойнибордан кам ҳурмат кўрмаган, Дониёри бизнинг Йўлчиларга йўлдош, қурғур Жамиласи ҳаммамизга янга, оқ кемаси бизнинг даштларда ҳам сузган, манкурт Жўломонига ачинмаган, ачиниб қармаган ўзбек қолмаган.

"Тошкентга Чингиз Айтматов келди!" деганда телевизор қошидан кетмай, у кишининг ўзбек ва кирғиз халқлари ўртасидаги муҳиш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида куйиб-ёниб айтган сўзлари ҳануз қулоғимда. Бу одам қачон "Қиёмат", "Асрга татиғилар кун" каби

асарларни ёзаркин бу юришда, деган саволлар ҳам ўтган кўнгиладан.

Ҳа, Айтматов давримизнинг тенгсиз даҳо инсонини, икки аср оралигада дарз кетган миллий ёрикларнинг фидойи бутловчиси, Марказий Осие халқларининг бахти эди. Даштадан қуй боқиб келатган Баҳоидир амакимдан ҳам Айтматов ҳақида сўраб кўрганман. У эса: "Чингиз Айтматов Нобель мукофотини нега олмаган?" — деб савол берди. Шу саволига ўзидан жавоб сурадим. Не тонгики, жавоб тайёр: "Чўнки у Америка ғояларининг тарафини олмаган!". Қойил! Дарҳақиқат, Айтматов ёвузликнинг, бешарм турмушнинг, сотқин оломонинг ёнини олмади, бильякс, умри

борича улар билан курашди!

Чингиз Айтматов ҳақида Шукр Холимираевдан ижиқилб сўраб эдим: "Кўрганмисиз?", "Кўришганмисиз?", "Сизга нима деган?", "Сиз зўрми, Айтматовми?" Охир безор бўларди суюкли адибимиз:

— Айтматов — катта уста, зўр романавист! Қиссалари ҳам зўр. Ҳикоялари сал мундайроқ... Шукр акага ҳайрон қарардим: "Ўзидан бошқа бирорта адибни ҳам тан олса бўларкан-ку!" У киши тағин чарсилар эди:

— Менинг ҳикоямни икки дунёда ҳам ёзолмайди Чингиз ога!
— Ёқани қўйиб юборинг, устоз! Мен нима деяпман?

Хуллас, бугун ишга келгач, матбуотда чоп этилган Чингиз Айтматов тавалудининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президент қарорини ўқиб, севииниб қўнгиладан юқоридаги гаплар ўтди. Адиби ардоқланган, шоирни ҳурмат топган, зиёлиси, аёли эъзозланган юртдан яхшилик аримайди, дейдилар. Бир қаламкаш сифатида ушбу қарор чин маънодаги адабиётга эътибор эканини ҳис қилдим. Зотан, эзгулик миллат ва сарҳад танламайди. Бунга юқоридаги қарор ҳам далил! Шундай эмасми?

Шодмонқул САЛОМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

BELLASHUV ҒАЛАБА ОНЛАРИ ҲАЛИ ОЛДИНДА



Сурхондарёда "Ёшлар шахмат тахтаси" республика очик турнирининг финал босқичига старт берилди

Айтиш керакки, бу йилги турнир олти ёш тоифасида, ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бешта босқичда ташкил этилган. Унда жами 511 минг нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. 168 нафари финалга етиб келган. Беллашувлар жараёнида спорт усталари ва фахрий спортчилар томонидан маҳорат дарслари олиб борилгани алоҳида эътиборга молик жиҳатдир.

— Ёшлар шахмат тахтаси"да аввал ҳам иштирок этганман, —

дейди Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 30-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Зебузар Эгамбердиева. — Бу сафарги рақибларим анча кучли бўлиб чиқди. Аммо мен ҳам бўш келмаيمان. Ғалаба онларим ҳали олдинда!
"Ёшлар шахмат тахтаси" республика очик турнири давом этмоқда. Қолган тафсилотлар ҳамда мусобақа натижалари ҳақида газетанинг навбатдаги сонида хабар берамиз.

Н.АБДУРАҲМОНОВА

ЙЎЛБОШЧИГА ЕЛКАДОШ ЁШЛАР

Ҳаёти қил устидан турган бир бемор йилгилигига ёрдам берилганини эшитганимда беҳал қувониб кетганим, "Э, яшавор, Ёшлар иттифоқи!" — деб қичқириб юборишимга оз қолганининг боиси шу эди. Қайсилар фермернинг, қайсилар тадбиркорнинг ишини битириб беришда лоқайликка йўл қўйган раҳбарлар айбини, балки, хаспўшласа бўлар, бироқ ҳаёти хавф остида бўлган болалар тақдирига нисбатан бепарволикни сира-сира кечириб бўлмайли.

TASHABBUS

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА...



Ёшлар иттифоқининг Оҳангарон тумани кенгаши ташаббуси билан ҳудудда "Ҳеч бир бола меҳр ва эътибордан четда қолмасин" лойиҳаси

амалга оширилмоқда. Унинг доирасида ташкилот фаоллари ногирон ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож тенгдошлари ҳолидан хабар оляпти.

Яқинда ёшлар "Ойбулок" маҳалласида яшовчи Нарзулло Қурбонбоевнинг хонадонида бўлиб, бу йилги таълим компьютер жамланмасини совға қилди. Бундай эътибордан Нарзуллонинг боши кўкка етди. Ҳатто маҳалласида компьютер хизматларини кўрсатувчи марказ очиш истагини билдирди.

Илгитининг отаси Ҳикматулла аканинг эса, тилидан дуо тушмади. У юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, Ёшлар иттифоқи аъзоларига йўқлов ва ажойиб туҳфа учун миннатдорлик билдирди.

Зилола АБДУЛЛАЕВА

O'RNAK OL!

ЁШ ЖИРОВ
ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Шохрух ИБОДУЛЛАЕВ

“Алпомиш”, “Қирқиз” каби дostonлар қорақалпоқ фольклорининг нодир намуналари сирасига киради. Уларни шу миллат бахшилари — жировлар тилидан эшитиб, руҳингиз ором олиши аниқ.

Қорақалпоқларда дostonлар одатда кўбиз чалиб, бугизда ижро этилади. Бу усул анча мураккаб бўлишига қарамай, халқ, айниқса, ёшларнинг меҳру эътиборини қозongan. Қўнғирот фарзанди Зинатдин Нуратдинов болалигидан миллий musiқа шайдоси эди. “Бир куни дуторни олиб, ўзимча чалишга ҳаракат қилдим, — дейди

ёш жиров. — Ёмон чиқмади. Онам кўриб, musiқага иштиёқим борлигини сездим. Кейин мени туманимиздаги Есемурат жиров номли 10-болалар musiқа ва санъат мактабига олиб борди. Соzларнинг ҳақиқий сеҳрини шу ерда туйдим. 2012 йилдан musiқа таълимини Нукус маданият ва санъат коллежидан

давом эттирдим. Қўнғирот билан сабоқ олдим. Шу билан бирга, турли ижодий белашувларда иштирок эта бошладим. Муваффақиятларимда устозим — Қорақалпоғистон халқ жирови Бахберган Сиримбетовнинг хизмати катта. Айни вақтда Зинатдин Нукус давлат педагогика институтининг 3-босқичида таҳсил

олмоқда. Ўтган йили Олмаота шаҳрида ўтказилган “BRAVISSIMO” халқаро танлов-фестивалида 1-ўринни эгаллаган эди. Яқинда тенгдошимиз яна бир катта ютқини қўлга киритди. У Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган “Восточная сказка” XIV танлов-

фестивалида иштирок этиб, Гран-при соҳибига айланди. Миллий ижрочилик анъаналарини давом эттириб, минглаб ёшларга ибрат кўрсатаётган Зинатдин Нуратдиновнинг келгуси фаолиятида ҳам улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.



IMKONIYAT

ИССИҚХОНА, УЧТА ЦЕХ ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАСИ

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилган мажмуада иссиқхона, паррандачилик фермаси, тикувчилик, эшик-ромлар ишлаб чиқариш ҳамда қандолатчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача уларнинг сонини 15 тага етказиш мўлжалланган.

— Мақсадимиз йигит-қизларнинг тадбиркорлик билан шугулланиши учун қўлай муҳит ва шароит яратишдан иборат, —

Гузур туманида ёшлар тадбиркорлик кластери иш бошлади



лейди Иттифоқнинг Гузур тумани кенгаши раиси Фарид Бозоров. — Кластер доирасида улар


ижара ҳақини тўламай фаолият кўрсатиши мумкин. Бу сезиларли энгиликдир.

TANLOV

БАНКИРЛАР РОЛЬ ҲИНАДИ?!

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилояти кенгаши Марказий банк ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда “Энг яхши ёш банк ходими” кўриктанловини ташкил этди.



Белашувда ҳудудий босқичдан сараланган 19 нафар йигит-қиз “Таништирув”, “Блиц савол-жавоблар”, “Эркин мавзу” шартлари бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. — Одамлар банк ходимини махсус формада, жиддий қиёфада кўришга одатланиб қолган, — дейди Шохрух Қобилов. — Аммо бугунги танлов бошқа қирраларимизни “кашф қилиш”га ёрдам берди.

Керак бўлса, саҳнада роль ҳам ижро этдик, ижодий салоҳиятимизни тўлиқ намойён эта олдик. Гойиблар сафидан бўлимизни, лойиҳада иштирок этганимдан беҳад хурсандим. Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, “Asia Alliance Bank” АТБ вилоят филиали юридик бўлими бошлиғи Самар Умаров гойиб деб топилди. Совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

YUKSALISH

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Санжар ЭШМУРОДОВ

Миллий матбуот марказида “Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда Давлат бошқаруви академиясининг роли” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси томонидан ташкил

этилган тадбирда ёш ва интеллектуал салоҳиятли раҳбар кадрларга бўлган талабнинг кундан-кунга ортаётгани хусусида сўз юритилиб, бу борда академияда йўлга қўйилаётган янги тизим, замонавий, инновацион лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Академиянинг қайтадан кўриб чиқилган ўқув дастурида хорижий тажрибани инобатга олиб, ўн олтинчи янги фан

киритилган. Эндиликда таълим жараёни вазирилик ва идоралар, таъшилотларнинг буюртмаси бўйича олинган бўлган. Ҳудудлардаги раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёж ўрганилиб, маҳаллий муассасаларнинг тавсияси билан тингловчилар уч босқичли синов асосида саралаб олинади. Шунингдек, дарсларга чет элик мутахассисларнинг жалб этилаётгани ҳамда

масофавий таълим имкониятларидан самарали фойдаланилаётгани ҳам ижобий натижа бермоқда. Тадбирда академия битирувчиларини иш билан таъминлаш, хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш учун юборишга доир масалада таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилди.

ХАЛҚ УЙҒОҚ. МУТАСАДДИЛАР-ЧИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

ҲАРАКАТДА ГАП КЎП

Мана сизга бир мисол. Яқинда бўзлик дўстимиз Абдорбек Боймирзаев ташаббус кўрсатиб, “Наврўз” маҳалласидаги 70 нафар ишсиз ёшнинг спорт секциясига жалб этди. Ҳозир 17-умумтаълим мактабидан улар учун ҳафтада бир неча бор бепул машғулотлар олиб бормоқда.

Улуғнор туманининг “Шаҳриобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Толибжон ва Замира Мамиталиева хонадонига қирар эканми, киши димоғига тандирдан янги узилган нон ҳиди ўрилди. Олти сотихли кичик хонадонда тўрт оила — 18 нафар киши яшайди.

Фарзандлардан бири ноғирон. Яна икки нафар — Жасурбек ва Сардорбек новвойлик қилиб, рўзгорга қарашмоқда. Ака-ука кўнига 400 дона патир ёпиб, атрофдаги дўконларга тарқатади. Энди йигитлар мазкур фаолиятини кенгайтириш ниятида. Лекин банкдан имтиёзли кредит олиш ва новвойхона учун жой топишда қийналмоқда. Ёшлар иттифоқи уларни уч ойлик тадбиркорлик курсида ўқитишни ўз зиммасига олди. Шундан кейин



фойдаланиш имконияти ҳам яратилди. II гуруҳ ноғирони Хушнудбек эса, тўлиқ тиббий куриқдан ўтказилиб, бепул даволанади.

ЮРТБОШИМИЗ ҲАҚ: ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛМАЙ ТУРИБ, ТАРАҚҚИЁТ ҲАҚИДА УЙЛАШ БЕҒОЙДА. ШУ САБАБ БУГУНГИ КУНДА БАРЧА ХУДУДЛАР — МАҲАЛЛА-КҮЙ ВА ХОНАДОНЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-МАЎНАВИЙ МУҲИТ ОБДОН ҲАҚИДА ҲАЛ ҚИЛИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАҲАСИНИ ОШИРИШ, ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДАН БОРИЛМОҚДА. ФАҚАТ ЭНДИ МАЗКУР САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТАЁТГАНИ ЙҶ.

боғчага айлантирилди.

Ичкарида тўртта кичик хона бор. 80 нафар тарбияланувчи (бир гуруҳга 20 нафардан тўғри келади) учун улар торлик қилишини куридик. Шунча жонга мўлжалланган озиқ-овқатлар ҳамшира хонасидаги ихчамгина музлатгичда сақланар экан. Тиббий анжомлар ва бирламчи ёрдам учун зарур дори-дармонлар йўқ. Ётоқхона ва ошхона томидан чакки ўтиб, нам тортиб, моғор босган. Омборхонанинг пол қисми таъмирга муҳтож.

Тўртта гуруҳ учун битта кичик ёғи айвонча қурилган, холос. Бинога ичимлик суви келмайди. Оқова ва қаттиқ чиқиндилар учун маҳаллий ўра ҳам йўқ. Ҳожатхона тўлиб, тозаланмаган. Бундай шароитда, турган гапки, паразитлар кўпайиб, юқумли касалликларни келтириб чиқаради.



БОҒЧА АЧИНАРЛИ АҲВОЛДА

Болаларга ачиндик. Ётоқхонада 20 киши учун бор-йўғи 15 та тушак қўйилган. Шу боис тушда баъзи кичикинтойлар ухлаш ўрнига, ўйин залида ўтиришга мажбур. — Мен ишга келганимда бу ерда атиги 45 та уриндик бор эди. Уларнинг сонини 72 тага етказдик, — дейди боғча мудири Зарифа

Масаланинг тағига етдик — раҳбар айёрлик қилиб, айбини яширишга ҳаракат қилаётган экан. Мактаб кутубхонасига йўл оламиз. Жавонларда юзтага етар-етмас китоб бор, холос. Кутубхоначи қолган 280 та (!) адабиёт ўқувчилар қўлида эканини айтди. Картотека кўздан кечирилгач, бу гап ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Мактабга шу заҳотиёқ етиб келган туман халқ таълими бўлими мудири Шавкатбек Мамаризаев аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиб, мактаб маъмуриятига тегишли чоралар кўришини айтди.

Н.БАҲОДИРОВА,
А.РАҲМАТОВ

BUGUNNING GAPI

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА

Малика ва Исрофжоннинг никоҳ тўйи етти маҳаллага овоза бўлди. Ҳаммаси икки ёш орзу қилгандек чиқди. Ҳатто уй жиҳозларини мебелларни ўзлари танлади. Тўй ўта дабабали ўтди. Аммо бироз вақтдан кейин машмашаси ҳам чиқиб қолди. Тўйчилар сарф-харажатларни қоплаш учун катта қарз олган экан. Энди уйда ҳар кунни жанжал. Тизгинсиз ҳою ҳавасга қурилган оилга дарз кетди.



Машмашаси тегади жонга

— Тўйларни ихчам ва камчиқим ўтказиш ҳақида кўп гапираримиз, — дейди оила бошлиғи Норбобо Сафаров. — Лекин фарзандингиз умрида бир марта бўладиган воқеанинг эса қоларли бўлишини талаб қилса, илож қанча. Бир оилادا уч фарзанд бўлса, демак, камидан олти марта тўй қиласиз. Бунинг ўзи бўлмайди. Тўй қилиш учун ота-она йиллар мобайнида қора терга ботиб меҳнат қилиши кераклигини ёшлар тушуниб етмоғи зарур, ахир! Яқинда бир қадрдонимиз тўй қилди. Ишон-



насимзи, қувёболанинг ўзи ортиқча чиқимларга йўл қўймабди. Спиртли ичимликларсиз ҳам чирой-

ли тўй қилса бўлар экан. Шу йигитнинг одобини қўриб, фарзанд тарбиясида хатога йўл қўйдикми, деб

уйлаб қоламан. Болааларга ҳамма нарсани муҳайё қилиб беравериб нотўғри.

Улар исроф нимагини тушуниб етса, уйлашимча, дабдабаю машмашаларга чек қўйиш мумкин. Ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши фаоли Шаҳзод Худойбердиев тенгқуларига тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволи, балки бутун ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини тушунтиришдан чарчамайди.

Чунки айни кунларда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинаётган Олий Мажлис Сенатининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказишнинг тартибига солиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини тарғиб этишга ўзини бурчи деб ҳисоблайди.

Яқинда Шаҳзод Шўрчи туманидаги "Фарма кўрғон" маҳалласида яшовчи Қувончбековнинг суннат тўйини ўтказишда бош-қош бўлди. Қувончбеков, тўй

асл удулларимиз асосида — ихчам ва жуда файзли ўтди.

— Миллий қадриятларимиз ёшларни имон-диён-натли этиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади, — таъкидлайди Шаҳзод Худойбердиев. — Шу тўғрисида Қувончбековнинг тўйида ортиқча харажатларга йўл қўймадик. Бу маҳалла-қўйга маъқул келди. Бир ёқадан бош чиқарса, иллатни тағ-томири билан йўқотиш ҳеч гап эмас экан.

— Ҳар қайси маҳаллада кўпни кўрган, кайвони онахону отахонлар бошчилигида тўйларни камчиқим қилиб ўтказиш бўйича меъёр ва мезонлар ишлаб чиқарилди, — дейди меҳнат фахрийси Турсунбой Тўрабоев. — Маъқул масаллада жамоатчилик назорати жуда муҳим. Маҳалламизда нуруний ва ёшлар орасидан кучаб-ёшлар тайинланган. Улар тўй ва маросимларнинг қандай ўтаётганидан доимо хабардор бўлиб турибди.

Оила — бахт кўрғони, унинг вақиллари бахтиёр яшашга ҳақли. Аммо кимдир ўйлаб топган сохта урф-одадлар сабаб ҳали барпо бўлиб улгурмаган муқаддас кўрғонга дарз кетса, бундан ёмони йўқ. Мана шу қулфатга йўл қўймаслик ўз қўлимизда.

МЕНИНГ ФИКРИМ

ХАРАЖАТНИ
ЎЗИМИЗ
КЎПЎЙТИРЯМИЗ-КУ!

Соҳиба УСМОНОВА,
талаба

Халқимиз ҳар икки дуо-сининг бирини тўй билан боғлайди. "Яхши тўйлар қилинг", "Тўйларга бош бўлиб юринг", "Орзу-ҳаваси жойларга қуда бўлинг", "Эли, сепи келин келсин", "Яхши гўшангаларга қувё бўлсин", дея ният қилади кексалар. Юртада тўй-томшалар бўлгани яхши, албатта.

Бироқ масаланинг иккинчи — оғриқли томони ҳам бор.

Бугун баъзи юрдошларимиз тўйни кимўзарга дабдабозлик билан ўтказиши, исрофгарчиликка йўл қўётгани жуда ачинарли ҳолат. Вазият шу даражага етганки, қиз узатиб ёки ўғил уйлантираман деган одамнинг ташвишида елиб-юғриб, ҳаловат-тико соғлиғидан айрилмоқда.

Келин-қувёга сарпо-сурғу қилиш аввалдан бор одат. Буни инкор этолмаймиз. Аммо тўй "сценарийси"даги баъзи жиҳатлар чиндан ҳам ортиқча, назаримда. Масалан, фотихадан кейинги "уй қуриш", "уй ясашиш", "ҳафталик", "ун беш кунлик" каби сериқим қувё-росимлар кимга керак?! "Уй

қўрар"га келадиган келиннинг онасию амма-ҳолалари камидан иккитадан тоғора олиб боради. Қуда томон эса, гўё уларни хафа қилиб қўймаслик учун тоғораларни тўртта қилиб қайтаради. Бу ҳам етмаганидек, қўларига бир кийимлик мато, кофе, чой, қанд-қурс, шоколада ва бошқа егуликлар тўлдирилган алоҳида-алоҳида пакет ёки сават тутқазиб, жунатади.

Ундан-да ажабланирмиз, Тошкент шаҳридаги аксарият тўйларда никоҳ кечаси ўтиб бўлган, қизга қўшилиб ўн-ўн беш аёл "келин салом"га боради. Тўқ қоринга яна "бир пиёла чой ичиб", ярим кечаси қайтиб келади. Ҳеч тушунмайман, бунча ташвишга не ҳожат?..

Маросиму удуллар зийнатимиз. Чунки ҳар бирининг ўзгача таровати бор. Аммо шахсан мен уларни бурт-тиришга қаршиман. Ахир, шу йўл билан чиқим устига чиқим қиялпимиз-ку! Бундан бирон маъно, наф борми ўзи?! Тўғри, ҳамма пулини билганича сарфлашга ҳақли. Фақат ҳатто энг зарур эҳтиёжлардан тийилиб, миқсқолаб йўқдан бойикни бир-икки кунда қўққа совириш ақли расо кишининг иши эмас-да. Ҳарқалай, ҳулоса ўзингиздан, тенгдошим.

KIČNIK TADQIQOT

Сиз ҳам уни танисиз



Шавкат БОБОЖОНОВ,
Бухоро давлат университети тарих кафедраси ўқитувчиси

Деярли ҳар қайси халқ оғзаки ижодида кулгу, ҳазил-мутойиба образи, албатта, топилади. Масалан, славянлар унга Айёр Пётр, араблар Жўхо, арманлар Пулу-Пути, қозоқлар Аллар Кўса, қорақалпоқлар Умирбек лаққи, Крим татарлари Аҳмат-Ақай, тожиклар Мушфиқий, уйғурлар Салой Чаққон, туркманлар Камина, немислар Тиль Ойленшпеглер, яхудийлар Хершел леб ном берган. Бизнинг эса, Хўжа Насриддин Афандимиз бор.

машҳур.

Афандининг ҳақиқий ёши аниқланмаган. Айрим тадқиқотчилар Хўжа Насриддин тарихий шахс бўлиб, 1208 йилда Туркия ҳудудидаги Хорту қасабасида туғилиб, 1284 йилда Акшеҳида вафот этган, деган фарзани илгарии суради. Бу шахарда унга мақбара ҳам тикланган. Бироқ яна бир гуруҳ олимлар Туркияда яшаган Хўжа Насриддин саройда масъул вазифада ишлагани ва латифалардаги Афандига сира алоқаси йўқлигини таъкидлайди.

Хўжа Насриддин дунё ҳамжамиятининг ҳам эътибор ва эҳтирмоғига сазовор бўлган. Хусусан, 1996 йил ЮНЕСКО томонидан "Хўжа Насриддин йили" деб эълон қилиниши, 2007 йилнинг 1 апрелида Москва шаҳрида унинг ҳайкали тикланиб, ёлғорлик постаментига "Хўжа Насриддин — буюк донишманд ва сўз устаси", деган сўзларнинг битилгани фикримизни исботлайди.

Афанди билан боғлиқ латифалар тўплам ҳолида бир неча бор нашр этилган. Бу ўлмас образ ёзувчи ва санъаткорлар ижодида ҳам учрайди. "Насриддиннинг ёшлиғи" драматси, "Насриддин Хўжаанда", "Насриддин Бухорода", "Хўжа Насриддин саргузаштлари", "Хўжа Насриддиннинг ўн икки қабри", "Афандининг беш хотини" фильмлари, "Хўжа Насриддин" опереттаси, "Насриддин Афанди" мусиқали комедияси, шуниингдек, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари шулар жумласидан.

Бухородаги Лаби ҳовуз ансамбли туридан жой олган Афандининг эшак минган ҳайкали алақачон шариф шаҳар тисмолига айланган. Бухорода келган меҳмон борки, бу чехраси ёруғ кулгу устаси билан саломлашмасан кетмайди.

YOSHLIK ILHOMI

КЕЧИККАН ДИЙДОР

Маҳфуза АШУРОВА

Тун. Соқи бобо интизор бўлиб кутмаган, тунни эса, бутунгидек беҳаловат ўтказмаган. Бобо қувончдан энтиқиб ухололмади. Бонис унинг хаёли дийдор, соғинч билан банд эди. Ана шу ўқимлик ҳислар унга тинчлик бермасди.

Шом намозини ўқиётган вақтда қўнғироқ қайта-қайта чалинди. Соқи бобо фарзани тўлиқ адо этиб бўлагачина, гўшакни кўтарди. Набираси Маҳмуджоннинг бобо деган овози кўнглини чароғон қилиб юборди. Ахир, уларни кўрмаганига ҳам уч ойдан ошган-да.

Ягона ўғли Мансур уйланиб, шаҳарга кетиб қолган. Кампирдан ажраганига эса, анча йиллар бўлган. Набираси беш ёшга тўлган бўлса ҳам, атиги уч бор кўрган. Яқинлари Мансурга отангни кексайган чоғида ёлғиз қолдирма, дейишга қарамай, ишни важ қилиб унамади.

Бобо эса, ҳар бурчаги Ҳадича яни ёлғиз солувчи бу ҳовлидан кўнгли узолмади. Шу бонис дийдор илтиҳида яшайпти. Ҳар гал ўғлидан тез-тез келиб туришни суради. Бироқ "хўп" деган жавобнинг амали ўша-ўша...

Тонг. Анчадан буён уйку нимагини билмаётган Соқи бобо харақатни бонмод намозига азон айтилмасдан аввал бошлади. Нонушта қилар-қилмас бонигаги турли мевалардан узиб, мў-

жизгина дастурхон тузаб, меҳмонларнинг келишига ҳозирлана бошлади. Кўча эшигини ҳам катта қилиб очиб қўйди.

Шаҳарда бўлса ўзгача манзара: Маҳмуджоннинг кўзига ёш. Уйғонгичида дадаси иш юзасидан узоқ шаҳарга кетиб қолди. Бу кунни интизорлик билан кутган. У онасидан қишлоққа олиб боришни сураганида: "Бошқа қиладиган ишим йўқми? Даданг келса борасан! Соғинган экан, бобонинг ўзи келин кўргани", — деган жавобни олди. Маҳмуджон бобосига сим қўмоқчи бўлди, аммо телефон ондан ортмади. Дугоналар опа-сингилар билан узундан-узун суҳбат қурди.

Кўёш аста тоғлар ортига беркинди. Бироқ Соқи бобоникдан бирор

бўй кўрсатмади. Тўрт ой деганда кўрадиган жигар-пораларининг дийдори сабаб у хасталикни бироз унутган. Энди эса...

Кунора бобонинг ҳолидан хабар олиб турадиган қўшни Насиба ая ҳар тонг дарвозаси олдида ўтирадиган Соқи бобо кўринмаганига хавотир билан хонадонига бош сўқайди.

— Соқи ака, уйдимисиз? — деб қақирди Аммо садо чиқмади. Ая ичкарилад не кўз билан кўрсаки, бобо жонсиз ётибди. Маҳалла-қўй, қўни-қўшинлар асрда бобони чиқарди. Ёлғиз ўғил эса, бир неча кун ўтгачина келди. Ая-тишча, хориж сафарига экан.

Орадан йиллар ўтди. Мансурнинг ҳам ёши бир жойга бориб қолди. Ҳамма ўзи билан овоза. Фарзандлари бирров йўқдай демади. Энди беоқибат ўғил ота-онасини кўмасар, ёшликаги хатоларни англаб бораётган. У туш ва ўнгини ажратолмай, отаси билан соатлаб суҳбатлашарди...

HAYOT MANZARALARI

БЕГОНАПАРВАР

Раҳмон АЛИ

Ўғлим билан деярли кўришмаймиз. У ишдан қайтганда ухлаётган бўламан, мен кетаётганда эса, у ҳали турмаган бўлади. Яқинда кўни ҳам кўп суҳбатлашолмаймиз.

Бирга нонушта қиламиз. У ўғлини эркалатади. Оиласи билан қаергадир отланади. Қаерга, деб сурамайман, улар ҳам айтмайди.

Ўғлимда ўзимнинг ёшлигимни кўраман. Элёр набирамдайлигида хонада бирга сураб чиқаётган. — Дада, бу сураб отга ўршамапти-ку? — деди чучук тил билан.

Қулиб юбордим ва уни бағримга босдим. Отам раҳматли кузатиб ўтирган экан:

— Абдуракул, сизларни ҳам ана шундай катта қилганмиз, — деди қулиб. Ушанда жиммайиб қўйгандим. Энди эса, ўғлини эркалаётган фарзандимга қараб отамни эслайман, у кишини соғинаман.

Раҳматли доим нарсаларини йўқотиб, "тўқилиб" юради. Онам қойиса: "Кетганига ачинама, кимдир топиб олса, хурсанд бўлади-ку", — дерди.

Отамга ўшагим келарди. Шу сабаб одамларга яхшилик қилишга интилардим. Отам шуларни эшитиб, фахрлиниб юрар экан. Соғинганида онамга: — Бегонапарвар ўғлимиз қаерларда юрган экан-а?, — деб қўяр экан.

Энди эса... Қайси кўни онасидан эшитиб қолдим, ўғлимиз таътилда қишлоққа борганида буви-сининг ўйини чиройли қилиб уйириб берибди. Охори тўқимлардан кийимларини муҳтожларга тарқатибди. Эҳтиёжмандларга қўлидан келганча қўмақлашибди. Қўшининг келинини ярим тунда тугруқхонага олиб борибди. Бу гаплардан қўксим тоғ қадар кўтарилди.

Ҳаммамиз йиғилганда отам бир тилакни кўп айттарди: "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?". Раҳматли жуда чиройли дуо қиларди: "Тўп-найллик, сочилмайлик, элни асрасин, элнинг қаторида асрасин, қўлга берсин, кўпнинг қаторида берсин".

Яқинда кўнари нонуштага йиғилганимизда онасидан сураман: — Бегонапарвар ўғлимиз турмадими? Уйғонтилар, нонушани бирга қиламиз. Икки оғизгина сўрашиб, фарзандига овқат тутатган ўғлимга қараб Яратганга шўкрона айтман, тилимдан эса, дуо тўшмайди:

— Элни асрасин, элнинг қаторида асрасин.

NUQTAYI NAZAR

КИТОБДАН
афзалли йўқ

Нозима МИЯССАРОВА

Шу кунларда ойна жаҳонда ҳам, ижтимоий тармоқларда ҳам хориж сериалларининг ёшлар, хусусан, бола психологиясига салбий таъсири хусусида кўп гапирилмоқда. Ўйлаб қарасак, масала чиндан ҳам жиддий.

Айтиш жоизки, ишқий муносабатлар намойишига асосланган энгил-елли фильм сериаллар бора-бора боланинг фикру тафаккури мана шу медиа

маҳсулотлар даражасига бўлишига олиб келади. Боз устига, фарзандларга улғая бошлайд.

Психологларнинг таъкидлашича, болани чеклаш керак эмас. Аксинча, мириқиб уйнаб олишига шароит яратиш лозим. Шу билан бирга, онгини турли-туман ахборотлар билан тўлдирмаган маъқул. Акс ҳолда, мия ҳужайралари шикастланиши мумкин.

Болалар фильм ва сериалларни мутлақо кўрмасин, деган фикрдан йироқимиз. Лекин бу ишни биргаликда амалга ошириш даркор, назаримизда.



Экранда кўрилганларни унга ўз тилида тушунтирсангиз, маъзини қақшиша ёрдам берсангиз, турган гапки, фикрлаш қобилияти ривожланади.

Дунёнинг айрим мамлакатларида ўқувчилар мактабини тугатгунга қадар бир қанча сараланган фильмларни кўриши шарт экан. Ўқув дастурига кино санъати билан боғлиқ фанларнинг киритилгани ҳам алоҳида аҳамиятга

молик жиҳатдир. Шу зайла болаларда бадий савияси юксак, тарбиявий ва тарихий аҳамиятга эга кинокартиналарни кўриш кўникмаси шакллантирилар экан.

Назаримда, бундай тажрибани ўзимизда ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Олди-қолди сериаллар шайдосига айланмасликка китоб мутолааси ҳам ёрдам беради.

"Yoshlar ovozi" va "Molodezh Uzbekistana" gazetalarini jamoasi taхририятning Жиззах вилояти бўйича муҳбири Шода Отамуродовга онаси ШАФОАТ ОТАМУРОДОВАнинг вафоти муносабати билан ҳаммадрлик билдиради.

"Yoshlar ovozi" va "Molodezh Uzbekistana" gazetalarini jamoasi Uzbekiston ёшлар иттифоқи қошидаги Медиа марказ ходими Рустам Назарматовга отаси Бахтиёр НАЗАРМАТОВнинг вафоти муносабати билан ҳаммадрлик билдиради.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзақонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Тўмарис Бутунбаева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-89 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@gmail.uz
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоסי қилинган нарҳда.
Бўғилма Г-438
Адаби — 23245
Босма қилинган вақти — 21.00
Телерадио — 00.00
Рақ. нумари — 23.30
Овқат қилинган вақти — 12.34.8